



ҚАРОР—ПОСТАНОВЛЕНИЕ

3 йил „ 13 „ июль

№ 175-Қ

Жамоа ва давлат хўжаликлари-
нинг ички қурилишлари учун
ер майдонини ажратиш тўғри-
сида

Ўзбекистон Республикасининг "Ер тўғрисида"ги қонунининг 12
моддасига асосан жамоа ва давлат хўжаликларининг ички қурилишлари
учун ер майдонини ажратиш тўғрисидаги Каттакўрғон, Ургут, Тайлоқ
тумани ҳокимларининг қабул қилган қарорларини кўриб чиқиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Каттакўрғон, Ургут, Тайлоқ тумани ҳокимларининг жамоа ва
давлат хўжаликларининг ички қурилишлари учун ер майдонини ажратиш
тўғрисидаги қабул қилган қарорлари иловага асосан тасдиқлансин.

2. Каттакўрғон, Ургут, Тайлоқ тумани ҳокимларига жамоа ва дав-
лат хўжаликларининг ички қурилишлари учун қишлоқ хўжалигида фойда-
ланиладиган ерлар ҳисобидан ажратилган ерларни янги ер очиш ҳисоби-
га қоплаш тадбирларини кўриш юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини таъминлаш вилоят ер тузиш ва
ердан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекцияси /ўртоқ Р. Гуло-
мов/ га топширилсин.

Вилоят ҳокими



П.М. Абдурахмонов